

## ЎҚУВЧИЛАРДА ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**З.А.Тешабоев**

*Фаргона вилояти педагоглари янги методикаларга ўргатиш миллий маркази  
бўлим бошлиғи.*

***Аннотация:** Ушбу мақолада инновацион ёндашув асосида мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришда технологик таълим жараёнларни ташкил этишнинг аҳамияти ва уларда педагогик-технологик жараёнларни ташкил этувчи, амалга ошириш ва ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларнинг аҳамияти ўрганилган.*

***Таянч сўз ва иборалар:** Технологик жараён, педагогик жараён, компетенция, таянч компетенция, фанга оид компетенциялар, таълим тизими, технологик таълим, касбий таълим, аналитик жараён, компетенциявий ёндашувлар.*

Ҳозирги замон талаби мактаб ўқувчиларни нафақат оддий меҳнат фаолиятига, балки реал ижтимоий-иқтисодий жараёнларга тайёрлашни эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Таълим тизимида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим назарияси ва методикасини (технологик таълим жараёнларини ташкил этишда) амалиётга тадбиқ этишда “меҳнат таълими” тушунчаси ўрнига “технологик таълим” атамасини кенг қўламда қўллаш зарурияти шаклланди. Технологик таълим йўналишини, хусусан умумий ўрта таълим мактабларида технология фани мазмунини такомиллаштириш вазифаси таълим тизимининг энг устувор замонавий йўналишларидан бирига айланмоқда.

Технологик таълим жараёнининг ташкил этиш ва бошқаришда технология фани ўқитувчиси ўтилажак мавзуни эълон қилар экан, бу мавзуни нима учун дарсга киритилганлигини, бугунги ўрганилган мавзу ўқувчининг ҳаёти давомида қаерда ва қачон ишлаши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратмоғи лозим. Чунки, бугунги кунда умумий ўрта таълим мактабларида фан дастурида кўрсатилган ҳар бир дарс мавзусининг ўз олдига қўйган мақсади бўлиши, айнан шу дарсларда танлаб олинган мавзуларнинг мақсадига эришишга элтувчи йул бўлиши кераклигини, ҳар бир фан ўқитувчиси тушуниб етиши янгиланаётган миллий ўқув дастурининг асосий вазифада эътироф этилган.

Умумий ўрта таълим мактабларида ташкилланаётган ҳар бир дарсни ўқитувчи келажак асари сифатида тайёрлаши керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2022 йил 20 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлиси қўшма палаталари депутатлари ва Ўзбекистон халқига қилган мурожатномасида мактаб таълимига тухталиб “...мактабларимиз шу

кунгача мактаб битирувчиларининг таълимни кейинги босқичига камраб олиш бўйича ишларнинг ўзларинг асосий вазифаси деб билар эдилар, бугун замон ўзгарди, таълим тизимига қўйилган талаблар ўзгарди, шунингдек, таълим-тарбия жараёнининг шарт-шароитлари ўзгарди.

Энди мактабларнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг таълимнинг кейинги босқичига тайёрлаш эмас, балки ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш этиб белгилашимиз кераклигини, мактабларда ўқувчиларни касбларга ўргатиш ишларига алоҳида эътибор қаратишимиз лозимлигини ва ҳар бир мактаб битирувчиси камида иккита касбни эгаллаган бўлишлари керак" деб таъкидлаб ўтдилар.

Давлат раҳбари томонидан умумий ўрта таълим мактабларига шундай вазифа қўяр экан, ўз-ўзидан бу вазифани биринчи ижрочиси технология фани ўқитувчилари бўлиши маълум. Мактабларда давлат раҳбари томонидан мактабларнинг жойлашган ҳудуди, имконияти ва маҳаллий аҳолини эҳтиёжларидан келиб чиқиб 64 та касбларни ўргатиш учун тавсиялар берди. Танлаб олинган 64 та йўналишдаги касбларни асосан ўзаги ва дастлабки тушунчалари мактаблардаги технология дарсларида ўргатилади, шундай экан бу вазифани асосий ижрочиси умумий ўрта таълим мактабларида технологик таълим йўналиши мутахассисининг эиммасига юклатилади.

Технологик таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда технология фани ўқитувчиси шу жиҳатларни ҳисобга олиши керак-ки, технология фани дарсларига *саънат дарси*, технология дарсларида тайёрланган буюмларга эса *саънат асари* деб қаралса, сўзсиз мактаблардаги технология фани ўқитувчиларининг дарсларини эса *келажак асари* деб номлаш мумкин.

Юқоридаги фикрлардан кўринадик, технология фанини ўқитишга қўйилган ҳозирги куннинг талаблари ўқувчиларда технологик компетенцияларни шакллантириш зарур эканлиги ва қуйидаги унсурларга алоҳида эътибор қаратилиши лозим эканлигини кўрсатмоқда:

- ўқувчиларнинг қизиқишига кўра технологик таълим олишлари учун педагогик шарт-шароитларни яратиш;

- технологик таълим жараёнларини ташкил этишда ўқувчиларни касбга йўналтириш асосларини такомиллаштириш;

- технологик таълим жараёнларни ташкил этиш шароитда ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш ва келгусида касбни мукамал эгаллашларига замин яратиш, умумий ва касбий таълимнинг узвийлигини таъминлашдан иборат [1].

Маълумки, 2017 йил 6 апрелдаги қабул қилинган Давлат таълим стандартида Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахсининг устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда олти таянч компетенциялар ва учта фанга оид умумий компетенциялар мавжуд /2/.

Технологик таълим жараёнида қуйидаги масалаларни ечиш тақозо этилади:

- ўқитишнинг дастлабки босқичларидаёқ ўқувчиларнинг меҳнат фаолиятининг у ёки бу турига бўлган қобилиятини аниқлаш ва уларни ривожлантириш;



- ўқувчиларнинг ҳаётий, шу жумладан, технологик кадриятлар ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш мақсадида уларга психологик-педагогик ёрдам кўрсатиш;
- технология фани мазмунининг сифатий ўзига хослигини ва ўқувчиларда шакллантириладиган шахсий меҳнат тажрибаси ва фаолият кўникмалари компонентларини аниқлаш;
- ўқувчиларнинг қўл меҳнати соҳасидаги амалий фаолият турлари ва лойиҳалаш фаолиятининг бирлиги асосида технология фани мазмунини босқичма-босқич эгаллашларига имкон яратиш;
- педагогик жараён иштирокчиларининг ёш хусусиятлари, қизиқиши, эҳтиёжи, қобилиятига таяниб, моддий маҳсулотлар яратиш жараёнида уларнинг шахсиймеҳнат тажрибаси ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган ўқув топшириқлари, вазифа ва вазиятлар тизимини ишлаб чиқиш;
- технология фанининг ташкил этувчилари (компонентлари) мазмуни, тузилмаси ва функционал йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.

Маълумки, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш мазмуни ҳозирги шароитда жамият ва давлат томонидан шахсга бўлган талаблар асосида белгиланади. Унинг умумий мақсади мактаб ўқувчиларида технологик қайта қуриш фаолиятининг ўзига хослиги ҳақидаги билимлар тизимининг шаклланиши ҳамда ўз фаолиятида юқори натижаларга эришишга интилган, интеллектуал-маънавий, жисмонан ривожланган ва технологик билимларга эга шахснинг шаклланиши билан аниқланади.

Замонавий илмий-педагогик адабиётларнинг таҳлили ўқувчиларда технологик компетенциялар мазмунини шакллантиришга бир қанча ёндашувларни ажратиб кўрсатишга имкон беради: хунарга оид технократик, моно-ахборот, интегратив-технологик ёндашувлар [3].

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришда интегратив-технологик ёндашувни педагогик ва технологик жараёнларни ташкил этиш ва ўқитувчининг бошқариш фаолиятига тадбиқ этиш таълим сифати ва самарадорликни ортишини таъминлайди афзал ҳисоблаймиз. Бу эса технологик таълим йўналишининг мазмуни гуманитар ва табиий-математик фанлар билимлари билан бирга қўшилиб кетади ва ижодий лойиҳалар, топшириқлар, машқларни бажариш, ишлаб чиқариш меҳнати объектларини тайёрлаш ўқувчиларнинг фаол ишни ташкил этиши, уларнинг кичик ишлаб чиқаришдаги иштирокини назарда тутди [4-7].

Технологик таълим йўналишининг асосий мақсади, янги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларда ўқувчиларни мустақил ижодий меҳнат фаолиятига тайёрлашда ёрдам кўрсатишдан иборат. Технологик таълим йўналиши ўрганилган билимларни кундалик фаолиятда амалиётда татбиқ этишга, ижодий, аналитик фикрлашга, ўқувчиларни яратувчанлик фаолиятининг ҳар хил турларига жалб этиш асосида уларда ҳамкорликда ишлаш тажрибасини шакллантиради.

Ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантириш асосларини муваффақиятли ҳал этиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фикрлашга оид қуйидаги қобилиятларни ривожлантириш лозим:

- кўпроқ ўқувчиларнинг аналитик фаолиятига таянадиган мавҳумлаштириш ва моделлаштиришга бўлган қобилиятлар;
- ҳал этиладиган вазифа шарт-шароитлари ва омилларини доимо ҳисобга олишни, шунингдек, ўқитиш жараёнида синтезни талаб қиладиган умумлаштиришга бўлган қобилиятлар;
- фикрлаш жараёнларини қайта ўзгартириш ва ўзига хос фикрлашда ифодасини топадиган ижодий фикрлашга оид қобилиятларни ривожлантиришнинг бир қатор омиллари изоҳлаб берилган[8].

Мазкур қобилиятлар ўқувчиларнинг бутун ўқув ва меҳнат фаолияти давомида шаклланади. Технологик таълимнинг моҳияти юқорида кўрсатилган қобилиятларнинг ўқувчиларда шаклланиши учун энг мақбул шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу илмий мақолада инновацион ёндашув асосида мактаб ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришнинг мазмун-моҳияти ва педагогик шарт-шароитлари, шунингдек, ўқувчиларида технологик компетенцияларни шакллантиришда технологик таълим жараёнларни ташкил этишнинг аҳамияти ҳамда уларда педагогик ва технологик жараёнларни ташкил этувчи, амалга ошириш ва ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омилларнинг аҳамияти ўрганилган.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қўйсинов О.А. Бўлажак меҳнат таълими (технология фани) ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимнинг педагогик-психологик аҳамияти // Таълим технологиялари. – Тошкент, 2007. – №1. – Б. 31 - 32.
2. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Таълим тараққиёти. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ахборотномаси. 4-махсус сон. Физика. Математика. Информатика. Чизмачилик. Технология– Тошкент: Шарқ, 1999. – 304 б.
3. Тўрабеков Ф.С. Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида ахборот технологияларини қўллаш методикаси пед.фан. ном. дисс. Тошкент – 2011 175 б.
4. M.M.Akhmedov, S.M.Rozimatova, Z.A.Teshaboev //Factors for Implementation of Innovative Approach Attitudes in the Educational System// Journal of Pedagogical Inventions and Practices. 10-11-2022. 26-28 pages.
5. M.M.Ahmedov //Development factors of competence lvl of teacher of technologic// INNOVATIVE TECHNOLOGICAL METHODOLOGICAL RESEARCH JOURNAL. Volume 4, Issue 3 Mar. 2023. 104-112 pages.



6. M.M.Ahmedov, Z. Teshaboev, G.Xojikarimova. //Taъlim tizimida islohatlar//  
Международный научный журнал "Грааль науки" № 4 (Травень, 9 апрель 2021) Venetsiya,  
Italiya S.475-477

7. M.M.Aхмедов, З.А.Тешабоев, Г.Т.Хожикаримова //Education system - integrated  
process// International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE) ISSN:  
1308-5581 Vol 14, Issue 03 2022. 4211-4214.

8. *Казакевич В.М.* Теоретико-методические основы информационно-  
технологического моделирования обучения труду: Автореф. дис. д-ра пед. наук / В.М.  
Казакевич. - М., 1997. - 43 с.

9. M.M.Aхмедов, Г.Т.Хожикаримова //Ўқитишнинг сифати ва таълим-тарбия  
самарадорлигини оширишда инновацион характерга эга бўлган инновацион дарс  
шаклларида фойдаланиш// Общество и инновации. 2021 2(2) 1-7

10. M.M.Aхмедов, С.М.Рўзиматова, А.Йўлдашев //ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ  
ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИ СИФАТИДА  
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ// International Journal of Education, Social Science &  
Humanities. FARS Publishers. Volume-11| Issue-2| 2023. 661-667 pages.

11. Р.Ҳ.Мақсудов, С.М.Отажонов, М.М.Ахмедов, Ш.Ш.Шухратов,  
Г.Т.Хожикаримова //Инновацион таълимда дарс шакли, методи ва воситаларини  
танлаш// Ўқув қўлланма. Фаргона 2022.

12. M.M.Aхмедов, С.М.Рўзиматова, З.А.Тешабоев //“ҲАЁТ ДАВОМИДА ЎҚИШ”  
ТАМОЙИЛИ АСОСИДА МАВЗУ “ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАСИ”НИ ТАЙЁРЛАШ  
МЕТОДИ// O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY  
TADQIQOTLAR JURNALI. 19.10.2022 12-SON 668-674 betlar.

13. M.M.Aхмедов, З.А.Тешабоев, Г.Т.Хожикаримова //Технология фани  
ўқитувчиларининг технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқарув  
фаолиятини такомиллаштириш// “Муғаллим ҳам узулуксиз билимлендирў” ОАК  
эътироф этган илмий-методикалий журнал № 2/1 - 2022 жыл, 116-119 бетлар. Нукус  
шаҳри. ISSN 2181-7138.19-октябрь 2022 йил 668-674 бетлар.

14. M.M.Akhmedov, S.M.Rozimatova, Z.A.Teshaboev //AN IMPORTANT FACTOR  
FOR IMPROVING THE EDUCATIONAL PROCESS ON THE PRINCIPLE OF  
"LIFELONG LEARNING"// GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY  
RESEARCH JOURNAL (GIIRJ). Vol. 10, Issue 10, Oct. (2022). 671-676 pages.

15. M.M.Aхмедов, И.И.Каримов, С.М.Рўзиматова //ДАРС ЖАРАЁНИДА  
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ МУНОСАБАТЛАРИНИ АМАЛАГА ОШИРИШ  
ОМИЛЛАРИ// O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY  
TADQIQOTLAR JURNALI. 19.10.2022 12-SON 56-60 betlar.

16. M.M.Aхмедов, З.Тешабоев Г.Хожикаримова //Ёшларни касб-хунарга  
йўналтириш// Международный научный журнал «Вестник науки» опубликована № 11  
(44). Г.Тольятти от 7 ноября 2021 г.



17. М.М.Ахмедов, З.Тешабоев Г.Хожикаримова С.М.Рўзиматова. //Технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқариш механизмини такомиллаштириш механизмини такомиллаштиришнинг илмий-методик асослари// Международный научный журнал. ORIENTAL RENAISSANCE: Innoralirc, ceducational, natural andsocial scicnces.Volume 2 ISSUE 8. August 2022. стр.336-342.

18. М.М.Axmedov, Bo'tayeva Gulmira Boxodirjonovna //ТЕХНОЛОГИЯ FANIDA TEXNOLOGIK JARAYONLARNI TASHKIL ETISH VA BOSHQARISH// O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 19.10.2022 12-SON 745-750 betlar.